

**«КЕЛИШИЛДИ»**

Вилоят соғлиқни сақлаш  
бошқармаси бошлиғи

  
И.Хажиев

«    »    2022 й.



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари

  
Б.Курбанов

«    »    2022 йил



**“КЕЛИШИЛДИ”**

Хоразм вилояти қурилиш бош  
бошқармаси бошлиғи

  
Б.Каримов

«    »    2022 йил



**«КЕЛИШИЛДИ»**

Хоразм вилояти ҳокимлигининг  
ЯВХТК директори

  
Ш.Отаев.

«    »    2022 йил.



## ЛОЙИҲАЛАШ ТОПШИРИҒИ

Хоразм вилояти Боғот тумани «Тозабоғ» МФЙ даги  
Огохий ОШПни реконструкция қилиш

№	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар мазмуни
1	2	3
1	Объект номи	Боғот тумани «Тозабоғ» МФЙ даги Огохий ОШПни реконструкция қилиш 150 қатнов
2	Объектни манзили	Хоразм вилояти Боғот тумани «Тозабоғ» МФЙ
3	Лойихалаш учун асос	1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисидаги ПҚ-172-сонли қарори. 2. Хоразм вилояти ҳокимининг 2022 йил 29 мартдаги 136-12-0-Q/22-сонли қарори 3. Хоразм вилояти Боғот туман ҳокимининг қарори 4. Хоразм вилояти Қурилиш бош бошқармасининг АРТ-I-II қисм ҳужжатлари
4	Буюртмачи	Хоразм вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси
5	Лойиха ташкилоти–Бош лойихачи	Танлов (тендер) савдолари натижаларига асосан
6	Қурилишни бошланиши ва яқунланишининг муддати.	2022 йилда бошланади. 2022 йилда тугалланади.
7	Бош пудратчи қурилиш ташкилоти	Танлов (тендер) савдолари натижаларига асосан
8	Лойихалаш кетма-кетлиги.	Бир босқичли ишчи лойиха
9	Қурилиш тури	Реконструкция қилиш
10	Молиялаштириш манбаи	Маҳаллий бюджет маблағлари.
11	Қурилиш ости майдони шароити (сейсмика, тупроқ гуруҳи ва ҳакозо)	Зилзила райони -7 балл Зилзилабардошлик -8 балл Тупроғи - чўкмайдиган Тупроқни музлаш чуқурлиги -0.7 м Шамол босими -38 кгс/м <sup>2</sup> Қор қатлами оғирлиги -50 кг/м <sup>2</sup> , ҳамда муҳандислик изланишлари натижалари асосида
12	Турар жойлар, жамоатчилик бинолари, ободонлаштириш, муҳандислик тармоқлари	Худуднинг эскиз схемасида аҳоли пунктнинг мавжуд ҳолати ва лойиха тақлифларида акс эттирилади.
13	Тақлиф қилинадиган бино иншоатлар, инфратузилма объектлари, муҳандислик тармоқлари ва уларнинг қурилишига қўйиладиган талаблар.	<b>Боғот тумани «Тозабоғ» МФЙ даги Огохий ОШПни реконструкция қилиш 150 қатнов</b> Бажариладиган ишлар қизил чизиқдан чиқмаган ҳолда бажарилади. Тасдиқланган худуднинг схемаси асосида худудни батафсил режалаштириш схемалари бош режа ишлаб чиқилади. Лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодекси ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар СанПИН, ҚМҚ, тегишли ташкилотларни техник шартлари асосида. Бош режа ва технологик лойихалари фойдаланувчи, буюртмачи ҳамда тегишли ташкилотлар билан белгиланган тартибда келишилиб лойихалаш ишлари бажарилсин. Лойиха ечими Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодекси ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар (ҚМҚ, ШНҚ, техник шарт) асосида қабул қилинади. Яширин ҳолда бажариладиган қурилиш таъмирлаш ишларини барча лойихаларда алоҳида узеллар билан кўрсатиш; Зилзилабардошликни ошириш мақсадида қўлланиладиган узеллар барча лойихада алоҳида кўрсатилсин; СГ-1 (кладочная сетка) узелларда алоҳида акс эттириб кўрсатилсин; <i>Қуйидагилар назарда тутилсин (СанфПИН, ШНҚ 4.01.16-09, ШНҚ 4.13.05-06, ШНҚ 4.13.09-06, ҚМҚ 2.04.05-97 ва бошқа):</i> <i>Қуйидагилар назарда тутилсин :</i> <b>Пойдевори-</b> қуйма бетондан бажарилсин. Пойдевор намликдан химоя қатлами емирилишини назарда тутиб, ташқи ва ички ён юзалари намликдан химояловчи материаллардан фойдаланиб, шамоллатиш туйниқчалари (продухлар) лойихалансин; <b>Деворлар</b> – Пишиқ ғишт ёки силикат ғиштлардан лойихалансин. Ташқи деворларнинг қалинлиги иссиқлик муҳандислик ҳисоб-китоблари асосида ва ҚМҚ 02.01.04-2018 талаблари бўйича. <b>Асосий кириш эшиги</b> - айвонли зиналар устки қисми сирпанмайдиган мрамор, асосий кириш қисмига алюмин профиллардан тамбур, ногиронлар ва ҳаракатланиши чекланган шахсларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда пандус қилинсин. Пол-сирпанмайдиган брусчатка, перила – анодированный металлдан лойихалансин; Бинонинг пол, ойна, эшикларини қайтадан таъмирлаш.

		<p><b>Дераза ромлари</b>- пластик ромлардан ўлчамлари 1,8x1,2м, 1,2x1,7м. Лойиха талаблари асосида лойихалансин.</p> <p><b>Ички ва ташки эшиклар</b> - МДФ ва алюмин профилдан лойихалаш.</p> <p><b>Поллар</b> – Мрамор пол, керамика, линолеум (медицинский), бетон пол. ҚМҚ 2.03.13-19 талаблари асосида лойихалансин.</p> <p><b>Том қисми</b> - ҚМҚ талаблари бажарилиб, иссиқ-совуқдан химояловчи воситалардан, том парапет деворларида меъёр талабларига асосан чердакли том қопламали остини шамоллатиш учун талаб қилинадиган ўлчамдаги проёмлар бажарилиб, шамоллатиш туйнукчалари (продухлари) ўрнатилиб, ёғоч каркас ва бўялган металл қоплама энг кам калинлиги 0,4мм дан кам бўлмаган ҳолда ҚМҚ 2.03.10-19 талаблари асосида лойихалансин;</p> <p>Ёмғир сув қувири (водосток) - ташки ташкил этилган ёмғир сув лотоклари ва сув қувири полимер қопламали рухланган металл қувурдан. Ёмғир сув қувурларини девор отмосткаси остидан лойихалансин.</p> <p><b>Отмостка</b> – бетон қопламали қилиб лойихалансин ;</p> <p><b>Иситиш тизими</b> –Иситиш қозонларини энг сўнги русумдаги қуввати ҳисоб-китобларга асосан, радиаторлар - биметаллик радиаторлар ўрнатиб лойихалансин.</p> <p>Қувурлар ёпиқ химояланган ҳолда янги технологиялар асосида лойихалансин ;</p> <p>Янгидан қозонхона лойиха талабларига асосан бажарилсин. Қозонхонадан биногача трасса қуриш.</p> <p><b>Ички пардозлаш</b> – деворлари цементли, оҳак аралашмали сувоқ устидан шпаклёвка билан текисланиб сувли ва мойли бўёқ билан бўяб лойихалаш ;</p> <p><b>Ташки пардозлаш</b> – сифатли материаллар билан замонавий услубда ва дизайнда ишлаб чиқиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- бинонинг фасад қисмида цоколга “кабанчик” кўринишидаги керамик плитка ўрнатилиши лойихалансин.</li> <li>- бинонинг фасад қисмини белгиланган тартибда базальт минвата билан утепления қилиш топширилиб, унда ППЖ-140-160 маркали 5-7 см калинликдаги ГОСТ 9573-2012., дюбель ДС-1 СТО 20994511-001-2009 деворга маҳкамланиш чуқурлиги 70мм дан кам бўлмаган ва плиталарни деворга ёпиштириш учун "BOLIX WM", "BOLIX ZW" турдаги универсал ёпиштирувчиларни ишлатилишини ҳисоб-китоблар асосида лойихалаштириш, “Травертин”, замонавий дизайн услубларига мос бўёқлардан фойдаланиб йирик масштаблардаги геометрик шакллардан фойдаланиб лойихалаш топширилади ;</li> <li>-бино парапети метал каркасли “Туникабонд”</li> </ul> <p><b>Мухандислик тармоқлари</b> –барча қувурлар ёпиқ ҳолатда бўлсин. Ичимлик суви, оқава сув қувурлари ёпиқ ҳолатда химояланган ҳолда бажарилсин.</p> <p><b>Электр таъминоти</b>–лойихада энергия тежамкор светодиоид лампалар кўзда тутилсин ва тизим янги технология асосида, кабеллар химояланган ҳолда лойихалансин ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини (АСКУЕ) кўзда тутиш топширилади.</p> <p><b>Ёнғинга қарши</b> оғохлантириш тизими (ОПС) ўрнатиш ва ўт ўчириш мосламалари билан таъминлаш.</p> <p>Бинонинг чиқиш эшиклари тепасига “СНІQISH” ёзуви бўлган электр ёриткичли таблолар ўрнатилсин.</p> <p><b>Видео кузатув</b>–Бинони ички коридорларга ва ташки йўлакларига видео кузатув мосламалари ўрнатиб лойихалансин.</p> <p><b>Вентиляция</b> - сунъий шамоллатиш тизими ўрнатиб лойихалансин;</p> <p><b>Ободонлаштириш</b> – кириш йўлаги брусчатка, йўлаклар ва ўтиш йўллари бетон қопламали, транспорт йўллари, шу жумладан ёнғин хавфсизлик техникаси учун;</p>
14	Мухандислик изланишлари зарурлиги.	1:500 масштабдаги топографик хариталардан фойдаланилади. Мухандислик геологик изланишлар лойиха таркибида бажарилади.
15	Ишларнинг бошланиш ва яқунланиш муддати.	2022 йилда бошланади. 2022 йилда тугалланади.
16	Лойиха ечимларини келишиш.	Худуднинг эскиз схемасида аҳоли пунктнинг мавжуд ҳолати ва лойиха таклифлари акс эттирилади Объектларнинг лойихалари вилоят архитектура бошқармаси, Боғот туман санитария–эпидемиология осойишталик маркази ва Боғот туман фавкулудда вазиятлар бўлимининг гигиеник ҳамда техник шарт берган ташкилотлар ва шу жумладан буюртмачи билан келишади.
17	Лойиха-смета ҳужжатлари талаби	Лойиха-смета ҳужжатларида йўл қўйилган хато-камчиликлар лойихачи ташкилот томонидан бартараф қилинади. Лойиха билан смета ҳужжатлари ўртасидаги тафовутлар, иш ҳажмлари тўғри келмаслик ҳолатлари учраса лойихачи ташкилот ўз маблағлари ҳисобидан тўғрилайди.

18	Атроф мухитни муҳофаза қилиш бўйича талаблар.	Атроф мухитга таъсир баёноتلари (ЗВОС) лойиҳасини ишлаб чиқиш ;
19	Фуқоро муҳофазаси ва ФВВ талаблари бўйича муҳандис-техник ишланмалар.	Берилган техник шартлар ва ҚМҚ талаблари асосида бажарилади.
20	Ногиронларни ўриндикли аравачаларда кириш-чиқиш йўлаклари Пандус	Асосий бинога кириш қисмида ногиронларни аравачаларда кириши учун пандуслар белгиланган тартибда лойиҳа асосида бажарилсин. Эшиклар остонасиз бажарилсин.
21	Лойиҳалаш ишларини бажаришга қўйиладиган талаблар	Лойиҳа ҳужжатлари бўлимлари, таркиби ва уларнинг мазмуни амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базага мувофиқ бўлиши керак ; -смета ҳисоб-китоблари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг 2021 йил IV-чорак каталоги бўйича тайёрланган, комиссия томонидан тасдиқланган ўртача нархларга асосан жорий нархларда амалга оширилсин. Қурувчи ишчиларнинг ўртача соатлик иш хақи – 17921,03 сўм (12% ижтимоий суғурта ажратмаларини ҳисобга олган ҳолда) дан олинсин. Пудратчининг харажатлари 15,51%, буюртмачи харажатлари қўшимча илова қилинади, таваккалчилик коэффициентини—0. Материал ресурсларига транспорт ва омборхона-тайёрлов харажатларини Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2011 йил 30 январдаги 352/11-05-сонли хатига асосан олинади. -Иш ҳужжатлари 1 нусхада экспертизага бериш учун Буюртмачига берилади.
22	Буюртмачига тақдим этиладиган ҳужжатлар	Тайёрланган барча лойиҳалар буюртмачига (ЯБХИК), -Ишчи лойиҳа, 4 (тўрт) нусхада, -Локал ва ресурс сметалари қоғозда 2 (икки) нусхада, -электрон версияси (диск) билан.

Хоразм вилояти ҳокимлигининг “ЯБХИК” си  
Бош муҳандиси



Б.Сапаев

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси  
бошлиғи ўринбосари:



Ж.Курбанов

Хоразм вилояти ҳокимлигининг “ЯБХИК” си  
Лойиҳа бўлими бошлиғи



М.Ходжаев

Хоразм вилояти ҳокимлигининг “ЯБХИК” си  
Лойиҳа бўлими мутахассиси



Д.Абдирахманов